

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

САЛИҲОВА ГУЛСАРА ХАСАНОВНА

**13-15 Ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний
тайёргарлигини дарсдан ташқари машғулотлар
жараёнида ривожлантириш методикаси**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ- 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим
наукам**

Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in pedagogical sciences

Салихова Гулсара Хасановна

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантириш методикаси3

Салихова Гулсара Хасановна

Методика развития физической подготовленности школьников 13-15 лет в процессе внеклассных занятий29

Salikhova Gulsara Xasanovna

Methodology of development of physical preparation of 13-15 year-old school students in the process of extracurricular activities53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

САЛИҲОВА ГУЛСАРА ХАСАНОВНА

**13-15 Ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний
тайёргарлигини дарсдан ташқари машғулотлар
жараёнида ривожлантириш методикаси**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped/1479 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Джамшид Хасанович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Саломов Рахматилла Саломович
педагогика фанлари доктори, профессор

Саидов Иззатилло Истамович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (“Б” бино, 2-қават, Илмий Кенгаш зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда жамиятнинг ҳозирги замондаги ҳолати, унинг ривожланиш суръатлари ўсиб келаётган авлод ва унинг саломатлигига юқори талаблар қўймоқда. Ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, уни жамиятнинг тўлақонли фуқароси сифатида ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий фаолиятда фаол иштирок этишга тайёрлаш жаҳон ҳамжамияти сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли аҳоли, айниқса, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш ҳамда такомиллаштириш барча давлатларда биринчи даражали вазифага айланмоқда. Умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбиянинг аҳамияти ўқувчи ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш, саломатликни мустаҳкамлаш, турли хил ҳаракат кўникмалари ва малакаларини шакллантириш учун пойдевор яратишдан иборат.

Жаҳон мамлакатларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва саломатликларини мустаҳкамлаш учун дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш, ҳаракатга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кундаги маълумотлар таълимнинг ўрта бўғини ўқувчилари ҳаракат фаоллигининг пасайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Бундай вазиятнинг асосий сабабларини хорижий мутахассислар мактаб ўқувчиларида жисмоний тарбия машғулотларига бўлган мотивациянинг йўқлиги, ўқув жараёнини ташкил қилишда методик ёндашувлар, жисмоний тайёргарлик воситалари ва услубларининг етарлича тадқиқ қилинмаганлиги билан изоҳлашади. Замонавий талабларга жавоб берадиган ўқувчиларни тарбиялаш учун жисмоний тарбия бўйича дарсдан ташқари фаолият шаклларида фойдаланишнинг янги восита ва услубларини излаб топишни талаб этмоқда.

Республикамизда охириги йилларда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифатига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. « ... Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди»¹. Бу борада жисмоний тарбия ҳам бошқа ўқув фанлари сингари, инновацион методикалардан кенг фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг маълум бир сифатларини шакллантиришга қаратилган. Бугунги кунда умумий ўрта таълимни ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш иқтидорли ёшларнинг халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда танловларида салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли

¹ Ш.М.Мирзиёевнинг таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқидан. 30.10.2021 й. Gazeta.uz.

қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон «2019- 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорида ҳамда соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига боғлиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлатимиз ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигига янада кўпроқ аҳамият қаратмоқда ва шу сабабли таълимнинг барча босқичларида жисмоний тарбия учун соатлар назарда тутилган. Замонавий таълимнинг асосий вазифаси мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Мактаб ёшидаги жисмоний тарбия ҳаёт учун зарур ҳаракат кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, уларни ҳаракат фаолиятининг турли шароитларида амалий қўллаш асосларини эгаллаш учун катта аҳамият касб этади. Ўқувчи ёшларнинг жисмоний тарбиясини ташкил этиш, замонавий жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари воситалари ҳамда услубларини излаб топиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари ватанимиз ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Бироқ ҳозирги замон шароитлари туфайли тадқиқотлар табора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

Таълим муассасалари ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш масалалари Юнусов Т.Т., Махкамжонов К.М., Юнусова Ю.М., Халмухамедов Р.Д., Саломов Р.С., Кудратов Р.Қ. каби ватанимиз олимлари томонидан тадқиқ қилинган².

²Юнусов Т.Т., Ишмуратов Т. К вопросу об уровне физической подготовленности учащейся молодежи по результатам выполнения тестовых нормативов. Республика илмий амалий анжумани материаллари. Фарғона. 2003.- С.37-39. Махкамжонов К.М. Мактабгача таълим муассасаларида спорт байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш. Методик қўлланма. Т.:Ўқитувчи. 2005.- Б.45-50. Юнусова Ю.М.Теория и методики физической культуры. Учебник. Т.:”Иқтисод-молия”. 2007. С.34-47. Холмухамедов Р.Д. ва б.

Ахматов М.С, Ханкельдиев Ш.Х., Сафарова Д.Д., Гончарова О.В., Керимов Ф.А. ишларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия машғулоти, соғлиқни сақлаш технологияларининг назарий ва услубий асослари ёритилган³.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини аниқлаш, уларнинг ҳаракат тайёргарлигини ошириш, жисмоний саломатлиги кўрсаткичларини мониторинг қилиш масалалари хорижий олимлардан Годик М.А., Беспалько В.П., Ашмарин Б.А., Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. томонидан тадқиқ қилинган⁴.

Кузнецов В.С. ва Лях В.И. каби олимлар умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида мактаб ўқувчиларини ҳаракатларга ўргатиш ва мотор тайёргарлигини ошириш муаммоларини ўрганганлар⁵.

Таълим муассасалари ўқувчилари билан соғломлаштиришга йўналтирилган машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, ўқув жараёнида фитнес-дастурлар, инновацион ёндашувлардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ташхислаш ва баҳолаш Туманян Г.С., Бернштейн Н.А., Матвеев Л.П., Железняк Ю.Д., Холодов Ж.К., Лях В.И., Курамшин Ю. ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган⁶.

Ўқувчиларнинг жисмоний тарбияси масалалари мутахассислар томонидан ҳар томонлама тадқиқ қилинганлигига қарамай, айнан дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари республикамизда етарлича тадқиқ қилинмаган. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, дарсдан ташқари вақтда умумтаълим мактаблари ўрта синф ўқувчиларининг фаолиятини фаоллаштириш орқали ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш

Тестирование физической подготовленности абитуриентов. Т.:УзГИФК. 2010.- С.19-28. Саломов Р.С. ва бошқалар. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. 1 том. Дарслик. Т.:ИТА-PRESS. 2015.-Б.155-167. Қудратов Р.Қ. Енгил атлетика. Дарслик.Т.: Ўқитувчи. 2012.- Б.187-198.

³Ахматов М.С.Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш Илмий монография.Т.:ЎзДЖТИ нашриёт матбаа бўлими. 2005.- 263 б. Ханкельдиев Ш.Х. ва б. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. Дарслик. Т.: ЎзДЖТИ нашриёт матбаа бўлими.2005.-Б.173-182. Сафарова Д.Д. Одам анатомияси.Дарслик. 1-жилд. Т.: ЎзДЖТИ. 2006.- Б.153-170. Гончарова О.В.Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. Ўқув қўлланма.Т.: ИТА-PRESS. 2015.Б.27-38. Керимов Ф.А. Спортда илмий тадқиқотлар.Дарслик.Т.: ИТА-PRESS. 2018.-348 б.

⁴Годик М.А. Спортивная метрология.Учебник. М.: ФиС. 1988.-С.92-110. Беспалько В.П.Слагаемые педагогической технологии. Учебник. М.: Педагогика.1989.- С.101-112. Теория и методика физического воспитания. Под ред. Б.А.Ашмарина. Учебник. М.: Просвещение. 1990.- С.226-235. Бальсевич В.К.Онтокинезиология человека. М.:Теория и практика физической культуры.2000.-205 с. Лубышева Л.И. Социология физической культуры и спорта. Учебник. М.: Академия. 2016.-202 с.

⁵Кузнецов В.С., Колодницкий Г.А. Физическая культура. Учебник. М.: КноРус. 2016.- 201 с. Лях В.И.Физическая культура.8-9 классы. Учебник для общеоб.организаций. М.:Просвещение.2019.- 56 с.

⁶Бернштейн Н.А. О ловкости и ее развитии. М.: ФиС.1991.-188 с. Матвеев Л.П.Теория и методика физической культуры. М.: ФиС.1991.- С.300-350. Железняк Ю.Д.,Петров П.К.Основы научно-методический деятельности в физической культуре и спорте. Учебное пособие. М.: Академия. 2002.- 264 с. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С.Теория и методика физического воспитания и спорта. М.: Академия. 2003.-267 с. Курамшин Ю. Теория и методика физической культуры. Учебник. М.:Советский спорт. 2010.- 120 с. Туманян Г.С.Здоровый образ жизни и физическое совершенствование. Учебное пособие. М.: Академия. 2006.-136 с. Лях В.И.Координационные способности:диагностика и развитие. М.:ТВТ Дивизион. 2006.- С.100-125.

методикасини такомиллаштириш муаммоси бугунги кунда долзарб ҳисобланади ва ўз ечимини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ I. «Республика умумий ва ўрта таълим ўқувчиларининг махсус жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг инновацион восита ва методларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 13-15 ёшли мактаб ўқувчилари учун дарсдан ташқари машғулотларда ривожлантирувчи ва яқинлаштирувчи машқларни танлаб йўналтириш орқали жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик ҳолатидан келиб чиқиб, дарсдан ташқари машғулотларда мушакларнинг зўриқишини олдини олишга қаратилган махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларини назорат меъёрларини топширишга тайёрлаш учун жисмоний тарбия бўйича дарсдан ташқари машғулот услубиятини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг аэроб ва анаэроб базавий функцияларини шакллантириш учун организмнинг муайян фаолиятга мослашиш имкониятини кенгайтириш;

гимнастика ва енгил атлетика воситаларидан фойдаланиш орқали 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги динамикасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги 178-сонли ва 272-сонли умумтаълим мактабларининг ўқувчилари билан олиб бориладиган дарсдан ташқари машғулотлар жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети 13-15 ёшли умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва ҳаракат тайёргарлигини оширишга қаратилган воситалар ва услублар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий-услубий адабиётлар ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, антропометрия, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқишнинг математик-статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари асосида дарсдан ташқари машғулотларда мушакларнинг зўриқишини олдини олишга қаратилган юқори қисқариш тезлигини талаб қилувчи, чаққонлик, эгилувчанлик, тезкорлик, куч ва чидамлилиққа йўналтирилган махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобига жисмоний сифатларни ривожлантириш имконияти оширилган;

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларини дарсдан ташқари машғулотларга жалб қилиш жараёнида жисмоний сифатларни ривожлантириш учун сенситив даврларидан келиб чиқиб тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларининг статик мувозанатини оширишнинг ёш кўрсаткичлари (ўғил болаларда 13-ёшда чаққонлик; 13-14 ёшда эгилувчанлик; 15 ёшда тезкорлик; 13-14-15 ёшда куч, тезкор-куч, чидамлилиқ; қиз болаларда -13 ёшда чаққонлик; 13-14 ёшда куч, тезкор-куч; 15 ёшда- эгилувчанлик, куч, тезкор-куч) аниқлаш ҳисобига дарсдан ташқари машғулот услубияти такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг аэроб ва анаэроб базавий функцияларини шакллантириш учун критик тезлик билан бажариладиган (кислородга эҳтиёж аэроб имкониятларга тенг бўлган) танлаб олинган мажмуали яқинлаштирувчи (аналитик ва имитация) машқларни вариатив-оралиқли услубда машғулотга киритиш ҳисобига организмнинг муайян фаолиятга мослашиш имконияти кенгайтирилган;

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш даражасидан келиб чиқиб гимнастика ва енгил атлетика воситалари машғулотнинг мазмуни бўйича (машқнинг ички ва ташқи структураси) ва хусусиятларига кўра (ўйинлар ва машқлар миқдорини ҳамда бажариш суръатини ўзгартириб; ҳаракатлар амплитудасини кўпайтириб ёки камайтириб) организмнинг толиқиш ва қайта тикланиш вақтининг ўзгариши ҳисобига оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик ҳолатидан келиб чиқиб дарсдан ташқари машғулотларда мушакларнинг жиддий зўриқишини олдини олишга қаратилган махсус машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

13-15 ёшли умумтаълим мактаблари мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги динамикаси ривожлантирувчи ва яқинлаштирувчи машқлар орқали аниқланган;

дарсдан ташқари машғулотларда 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги жами назарий ва услубий қоидалар, тадқиқот вазибаларига мос тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, педагогик тажрибанинг етарлича давомийлиги, сайланмаларнинг репрезентативлиги, бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот услублари сифатида педагогик ва тиббий-биологик услубларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг математик статистика услублари ёрдамида тўғри ишлаб чиқилганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация тадқиқотининг асосий ҳолатлари жисмоний тарбия бўйича дарсдан ташқари машғулотдан фойдаланиш йўли орқали умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бўш вақтини самарали ташкил қилиш, махсус машқлар

мажмуаси ёрдамида ўқувчиларнинг саломатлик ҳолатини коррекциялаш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва турли хил касалликларни олдини олиш масалаларида жисмоний тарбия назарияси ва услубияти мазмунини бойитади ва кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган умумтаълим мактабларининг ўрта синф ўқувчилари билан ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотларда 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг ҳаракат тайёргарлигини ошириш ва жисмоний сифатларини ривожлантириш учун танлаб олинган махсус машқлар мажмуалари, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги динамикаси, дарсдан ташқари машғулотда ривожлантирувчи ва яқинлаштирувчи машқлар ёрдамида мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш методикаси мутахассислар ва умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Дарсдан ташқари машғулотларда махсус машқлар мажмуаси ёрдамида 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар асосида:

жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришга қаратилган дарсдан ташқари машғулотларда 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган махсус машқлар мажмуасини қўллаш бўйича таклифлар «Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти» (Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбияси) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан №237-263 рақамли гувоҳнома). Натижада умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш соҳасида илмий-назарий базани тўлдириш ва кенгайтириш ҳисобига мактаб ўқувчиларининг дарсдан ташқари машғулотларга бўлган мотивацияси 12% га ошган;

13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилидан келиб чиқиб тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларининг статик мувозанатини оширишнинг ёш кўрсаткичлари бўйича тавсиялар Тошкент шаҳридаги 178-ва 272-сон умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия бўйича дарсдан ташқари машғулотларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 03.17-02/12621-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги 9 % га ошган;

танлаб олинган мажмуали яқинлаштирувчи (аналитик ва имитация) машқларни вариатив-оралиқли услубда қўллаш бўйича тавсиялар «Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти» (Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбияси) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан №237-263 рақамли гувоҳнома).

Натижада 13-15 ёшли ўғил болаларда жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси тажриба гуруҳида: тезкорлик 5,8%, чаққонлик 5,4%, куч 11,4%, чидамлилиқ 5.11% га ошган. 13-15 ёшли қиз болаларда эса тезкорлик 5,8%, чаққонлик 6,1%, куч 6.27%, чидамлилиқ 4,16% га яхшиланган;

гимнастика ва енгил атлетика воситаларини машғулотнинг мазмуни бўйича ва хусусиятларига кўра организмнинг толиқиш ва қайта тикланиш вақти ўзгариши ҳисобига оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар 178- ва 272-сон умумтаълим мактабларининг дарсдан ташқари машғулотлар жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 03.17-02/12621-сон маълумотномаси). Натижада тажриба гуруҳидаги мактаб ўқувчиларининг назорат меъёрларини топшириш самарадорлиги ўғил болаларда 12,3%, қиз болаларда эса 10,6% га ўсган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, шунингдек, “Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти” кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та бобдан иборат бўлиб, 150 саҳифали матн, 10 та расм, 10 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, шунингдек, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, ишнинг ҳажми ва тузилиши борасидаги маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Умумтаълим мактаблари 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги муаммолари**» деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактабларининг 13-15 ёшли ўқувчилари билан ўтказиладиган жисмоний тарбия жараёнининг назарий ва илмий-услубий асослари баён қилинган бўлиб, 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбиясини ташкил этишнинг дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотнинг (факультатив машғулотлар) мақсад ва вазифалари, мазмуни, воситаларнинг қўлланилиши

ёритиб берилган. Шунингдек, 13-15 ёшдаги мактаб ўқувчилари жисмоний ривожланишининг ёшга хос хусусиятлари, уларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш воситалари ва услублари ҳамда тайёргарликни баҳолаш услублари баён қилинган.

Диссертация мавзусига оид адабиёт манбаларини таҳлил қила туриб, шуни гувоҳи бўлдики, кўпгина тадқиқотчилар ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний фаоллиги даражаси сўнгги пайтларда пасайиб бораётганлигини, мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний фаолликка бўлган эҳтиёжи талаб даражасида эмаслигини эътироф этишмоқда.

Амалиётнинг кўрсатишича, аксарият ўқувчилар жисмоний тарбия дарсларида назорат тестларини бажара олмайдилар, югуриш, улоқтириш ва сакрашларда юқори натижаларга эриша олмайдилар ва бунинг сабаби ҳаракат техникасининг ёмон ўзлаштирилганлиги эмас, балки кўпроқ ҳаракат сифатлари- куч, тезкорлик, чидамлик, чаққонлик ва эгиловчанликнинг етарлича ривожланмаганлигидир. Жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқувчиларни нафақат ҳаракат амалларига ўргатишлари, яъни кўнима ва малакаларни шакллантиришлари, балки мақсадли тарзда мунтазам равишда уларни такомиллаштириб боришлари лозим. Шу мақсадда жисмоний тарбия дарсларига юқорида айтиб ўтилган ҳаракат сифатларини ривожлантириш учун махсус машқлар киритилади.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши**» деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, антропометрия, педагогик тажриба, математик статистика услублари ҳамда тадқиқотнинг ташкил қилиниши борасида маълумотлар берилган.

Педагогик тажриба тўртта босқичда ташкил қилинди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида (2017-2018 ўқув йили) танланган диссертация мавзуси бўйича турли фан соҳаларида авваллари эълон қилинган ишларни батафсил таҳлил қилиб чиқиш ва мавжуд муаммони аниқлаш; тадқиқот мавзусини танлаш; унинг мақсад ва вазифаларини белгилаш; аниқланган муаммони ҳал этиш бўйича мавжуд амалиётни ўрганиш; жисмоний тарбия назарияси ва услубиятида мазкур муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи назарий билимларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; тадқиқот фаразини шакллантириш амалга оширилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида (2018-2019 ўқув йиллари) тажриба тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилди: зарур тадқиқот объектларини (ўқувчилар сонини) танлаш; ўтказиладиган тажрибанинг давомийлигини аниқлаш; танланган тадқиқот услубларининг ишончлилиги, қулайлиги (енгиллиги) ҳамда самарадорлигини кам сонли синалувчиларда синаб кўриш; педагогик таъсир оқибатида тадқиқот объектидаги ижобий ўзгаришлар хусусиятларини аниқлаш.

Мазкур босқичда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларидаги бўлимлар бўйича назорат синовларини топширишга бўлган

муносабатларини ўрганиш мақсадида анкета сўровномаси ишлаб чиқилди ва ўтказилди.

Тадқиқотнинг **учинчи босқичида** (2019-2020 ўқув йиллари) тадқиқот фаразини текшириш мақсадида педагогик тажриба ўтказилди. Шу сабабдан дарсдан ташқари машғулотларга қатнашаётган 13-15 ёшли мактаб ўқувчилари билан дастлабки тажриба ўтказилиб, ўқувчилар жисмоний тайёргарлигининг бошланғич даражаси аниқланди.

Асосий педагогик тажрибани ўтказиш учун назорат ва тажриба гуруҳлари шакллантирилди. Тажриба гуруҳида машғулотлар махсус тест меъёрларини топшириш бўйича ишлаб чиқилган дарсдан ташқари машғулотнинг ўқув дастурига мувофиқ ўтказилди, назорат гуруҳида эса машғулотлар анъанавий услубият асосида олиб борилди.


Биз тақлиф этаётган дастур ва махсус машқлар синовдан ўтказилди, натижалар таҳлили, уларнинг муҳокамаси ҳамда статистик ишлаб чиқилиши амалга оширилди.

Тадқиқотнинг **тўртинчи босқичида** (2020-2021 ўқув йили) тажриба тадқиқотларини яқунлаш амалга оширилди: ўқувчилар жисмоний тайёргарлигининг тажрибадан кейинги ҳолати даражаси, билим, малака ва кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси аниқланди ва статистик ишлаб чиқилди ҳамда жисмоний тарбия дастуридаги тест синовлари меъёрлари билан қиёсий таҳлил қилинди, шунингдек, педагогик тажриба давомида олинган маълумотлар диссертацияни ёзиш ва расмийлаштириш, иш натижаларини амалий тавсиялар ҳамда хулосалар шаклида умумлаштириш, уларни ўқув-машғулот жараёнига жорий этиш амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Дарсдан ташқари машғулотларда 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини шакллантириш методикаси»** деб номланган учинчи бобида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари орасида ўтказилган анкета сўрови натижалари таҳлили, 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги динамикаси, педагогик жараёнда ишлаб чиқилган махсус машқлар мажмуаларининг қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Биз ўқувчилардан ўз саломатлигини баҳолашни сўрадик: 41,5% ўқувчилар ўз саломатликларини «қониқарли», 8,5% респондентлар «яхши эмас», 31% ўқувчилар эса «буткул соғломман» деб ҳисоблайдилар. Айтиш жоизки, 19% сўралганлар жавоб беришга қийналишларини эътироф этишган (1-расмга қаранг).

■ Қониқарли ■ Буткул соғломман ■ Жавоб беришга қийналаман ■ Яхши эмас



1-расм. 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг ўз саломатликларини баҳолашлари

Тадқиқот жараёнида умумтаълим мактабларининг 13-15 ёшли ўғил ва қиз болаларидан тажриба ва назорат гуруҳларида назорат тестлари бўйича дастлабки меъёрлар қабул қилинди.

Дастлабки натижаларга кўра, ёши ва жинси бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини қиёслаганимизда гуруҳлар ўртасидаги тафовут аҳамиятли даражада ишончли эмаслиги, педагогик тадқиқот жараёнида иштирок этиш учун жисмоний ривожланганлиги ва функционал тайёргарлиги деярли бир хил бўлган ўқувчилар танлаб олинганлиги қайд этилди.

Мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш амалиётида жисмоний сифатларни ривожлантиришга ёрдам берувчи турли-туман воситалар ва услублар қўлланилади. Ўқувчиларга мажмуали ёндашишда берилган воситалар ва услублар самарадорлигини баҳолаш асосан бир неча ўқув йили давомида педагогик тажриба доирасида амалга оширилди. Тадқиқот давомида тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчилар тайёргарлиги динамикаси қиёсий таҳлили ўтказилди. Асосий педагогик тажрибани ўтказиш жараёнида тажриба гуруҳида махсус жисмоний машқларни ўргатиш ва ҳар бир дарснинг зичлигини ошириш, жисмоний тайёргарликни ривожлантириш бўйича биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастурдан фойдаланилди. Назорат гуруҳида ўқувчилар таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган дастур асосида, яъни анъанавий дарс ўтказиш услублари бўйича шуғулланди.

13-15 ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун биз ривожлантирувчи ва яқинлаштирувчи машқлардан иборат махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқдик ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида қўлладик. Уни жорий этиш учун биз мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини аниқладик. Кейин амалиётда ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш учун ривожлантирувчи ва яқинлаштирувчи машқлар мажмуасидан фойдаландик (1-жадвалга қаранг).

13-15 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун махсус машқлар мажмуаси		Услубий курсатмалар	
Машқлар	Такрорлаш сони	Дам олиш интервали	
Ривожлантирувчи машқлар (60 м югуриш /с/, тезкорликни ривожлантириш учун)			
1. Чалканча ётган ҳолатда максимал суръатда "велосипед" машқи.	15-30 с	30 с	2-3 та уриниш
2. 3x10 м га моксимон югуриш.	2-3 марта	30-40 с	Максимал тезликда
Яқинлаштирувчи машқлар			
1. Турди хил дастлабки ҳолатлардан /паст старт, ўтириб, ётиб, йўлгага орқа билан туриб ва бошқа/ 10 м.га тезланишлар	4-6 марта	20-30 с	Максимал тезликда
2. Юқори старт. Бир чизикда жойлаштирилган буюмлар орасидан илонизи шаклида югуриш	8-12 марта	20-30 с	10-20-30 м га, 3-5 та уриниш, максимум тезликда
Ривожлантирувчи машқлар (4x10 м моксимон югуриш /с/, чақонликни ривожлантириш учун)			
1. "Арчасимон югуриш"	4-6 марта	2-2,5 дақиқа	Волейбол майдони ярмида чизиклар кесилган нуқталарга фишқалар қўйилади ва пуғулланувчи ҳар бир фишқага қўлини теккзиши шарт.
2. Устунлар /тўшлар, байроқчалар/ орасидан югуриш	30-60 с	30 с	2-3 та уриниш
Яқинлаштирувчи машқлар			
1. Асосий тик туриш. Текис қўлларни айлантириш. Ўнг қўлни олдинга, чап қўлни орқага. Сўнг қўллар ҳаракати йўналишини алмаштириш.	6-8 марта	20 с	Ҳар бир қўл учун
2. А.Т.: қўлда теннис тўпи. 3-5-м масофадан туриб тўпни нишонга улоқтириш.	10-12 марта	30 с	Аввал ўнг, сўнгра чап қўлда бажариш
Ривожлантирувчи машқлар (чалканча ётган ҳолда гавдани 90° га кўтариш, 30 сония давомида /марта/, эгилувчанликни ривожлантириш учун)			
1. Чалканча ётган ҳолда тиззаларни кўракка теккзиш ва ёзиш.	8-10 марта	1,5-2 дақиқа	Қўллар ёнда таянч вазифасини бажаради
2. Шерик билан қарама-қарши ўтириб, оёқлар ўзаро боғланган ҳолда гавдани кўтариб тўлдирма тўпни /1 кг/ шеригига узатиш ва қабул қилиш	4-6 марта	30 с	Тўпни ерга туширмаслик керак
Яқинлаштирувчи машқлар			
1. Ўтириб, бир оёқ олдинда, иккинчиси тиззадан букилган. Текис турган оёққа эгилишлар.	10-12 марта	60 с	Худди шунга оёқларни ўзгартиргандан кейин бошқа оёқда бажариш. Букилган оёқ тиззаси олдинга қаратилган
2. Асосий тик туриш, қўллар орқага узатилган. Қўллар билан ўнг оёқ болдирини ушлаб, уни максимал даражада орқага тортиш.	10-12 марта	30-40 с	Худди шунга чап оёқ учун ҳам бажариш
гимнастика ўриндинига таяниб, қўлларни букниб-ёзиш /қизлар/ марта, кучни ривожлантириш учун)			
1. Икки қўл билан тўлдирма тўпни /1-3-кг/ пастдан юқорига улоқтириш ва ялиб олиш.	6-8 марта	30-40 с	Тўп бошдан 1,5-2 метр юқори кўтарилиши лозим
2. Фақат қўлларга таянган ҳолда 15-20 м масофага эмакляб бориш.	4-6 марта	2,5-3 дақиқа	Оёқлар шериги томонидан кўтарилган

Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Турникда кўллар билан пасдан ушлаган ҳолда осилиб туриш, тортидишлар.	8-10 марта	30 с
2. Оёқларни баландликка кўйган ҳолда ётиб таяниш. Кўлларни буюк-ёзиш	10-12 марта	1,5-2 дакика
Ривожлантирувчи машқлар (2000 м га югуриш / дакика ва сония / чдамликликни ривожлантириш учун)		
1. Турли хил масофаларга эстафетали югуриш.	2-4 марта	1,5-2 дакика
2. 1000 м дан 3000 м гача ўрта ва узоқ масофаларда ўзгарувчан-суръатли югуриш.	1 марта	3-5 дакика
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Қисқа масофаларда- 100 м, 200 м, 300 м, 400 м- ўзгарувчан тезликда югуриш.	1-2 марта	1,5-2 дакика
2. Аркон билан сакраш.	2 марта	2,3-5 дакика
Ривожлантирувчи машқлар (тезлик-кучни ривожлантириш учун)		
1. Тўдирма тўпни /2 кг гача/ пасдан олдинга улоктириш.	6-8 марта	1,5-2 дакика
2. 3-5 метрга югуриш ва тўдирма тўпни /1 кг/ улоктириш.	6-8 марта	1,5-2 дакика
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Шерик билан ҳар хил бошлангич позициялардан узоққа кичик тўпни улоктириш.	6-8 марта	30 с
2. Тўпри чиққда 10-12 м га югуриш ва тўпни улоктириш.	8-10 марта	30 с
Ривожлантирувчи машқлар (турган жойдан узуликка сакраш /см/, поргловчи кучни ривожлантириш учун)		
1. 20-30 см ли тумбага оёқларни алмаштириб сакраш.	20 мартадан 5 марта	1-1,5 дакика
2. Оёқлар жуфт ҳолда, 40-50 см баландликдаги кетма-кет қўйилган тўсиқлардан сакраб ўтиш.	8-10 марта	2,5-3 дакика
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Оёқлар елка кенглигида, ярим эгилган ҳолда, кўлларга таяниб оёқларни алмаштириб сакраш.	10-12 марта	1 та уринишда 30 с
2. Унг, чап ва икки оёқда турган жойда ва ҳаракатда олдинга сакраш.	8-10 марта	1 та уринишда 30 с
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Турникда кўллар билан пасдан ушлаган ҳолда осилиб турилади	Икк турник тўсиқидан кўтарилади	
2. Оёқларни баландликка кўйган ҳолда ётиб таяниш. Кўлларни буюк-ёзиш	Кўллар тўпри бурчаккача буюкдади	
Ривожлантирувчи машқлар (тезлик-кучни ривожлантириш учун)		
1. Турли хил масофаларга эстафетали югуриш.	2-4 марта	1,5-2 дакика
2. 1000 м дан 3000 м гача ўрта ва узоқ масофаларда ўзгарувчан-суръатли югуриш.	1 марта	3-5 дакика
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Қисқа масофаларда- 100 м, 200 м, 300 м, 400 м- ўзгарувчан тезликда югуриш.	1-2 марта	1,5-2 дакика
2. Аркон билан сакраш.	2 марта	2,3-5 дакика
Ривожлантирувчи машқлар (тезлик-кучни ривожлантириш учун)		
1. Тўдирма тўпни /2 кг гача/ пасдан олдинга улоктириш.	6-8 марта	1,5-2 дакика
2. 3-5 метрга югуриш ва тўдирма тўпни /1 кг/ улоктириш.	6-8 марта	1,5-2 дакика
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Шерик билан ҳар хил бошлангич позициялардан узоққа кичик тўпни улоктириш.	6-8 марта	30 с
2. Тўпри чиққда 10-12 м га югуриш ва тўпни улоктириш.	8-10 марта	30 с
Ривожлантирувчи машқлар (турган жойдан узуликка сакраш /см/, поргловчи кучни ривожлантириш учун)		
1. 20-30 см ли тумбага оёқларни алмаштириб сакраш.	20 мартадан 5 марта	1-1,5 дакика
2. Оёқлар жуфт ҳолда, 40-50 см баландликдаги кетма-кет қўйилган тўсиқлардан сакраб ўтиш.	8-10 марта	2,5-3 дакика
Яқинлаштирувчи машқлар		
1. Оёқлар елка кенглигида, ярим эгилган ҳолда, кўлларга таяниб оёқларни алмаштириб сакраш.	10-12 марта	1 та уринишда 30 с
2. Унг, чап ва икки оёқда турган жойда ва ҳаракатда олдинга сакраш.	8-10 марта	1 та уринишда 30 с

Диссертация ишининг тўртинчи боби «Дарсдан ташқари машғулотларда 13-15 ёшли мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини шакллантириш методикаси самарадорлигини асослаш» деб номланган. Унда ўтказилган тажрибада дастлабки олинган натижалар ва якуний натижалар умумлаштирилиб, қиёсий таҳлил қилинган. Тажриба давомида 13-15 ёшли мактаб ўқувчилари билан дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида махсус жисмоний машқларни қўллаш самарадорлиги текширилган ва болаларнинг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга ёрдам берадиган услубий ёндашув аниқланган. Биз тажрибада юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда жисмоний сифатларни ривожлантириш бўйича ўғил ва қиз болаларга машғулотлар ўтдик. Тажрибадан кейин олинган натижалар уларда дастурдаги машқларни ўзлаштириш натижасида ҳаракат кўникма ва малакалар яхшиланганлиги ҳамда жисмоний сифатлар ривожланганлигини кўрсатди.

Асосий педагогик тажриба жараёнида ўқувчилар тайёргарлиги қиёсий баҳоланди. Жисмоний тарбия жараёнида жисмоний сифатларни тарбиялаш билан уларда ҳаракат кўникмалари ва малакаларини ташкил топтириш, восита ва услублар мажмуасидан фойдаланиб, хусусан, мажмуали ёндашиш орқали таъсир кўрсатиш ижобий натижаларга олиб келди.

Олти ой давом этган машғулотлардан сўнг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўғил ва қизлардан олинган натижалар орасида фарқ ишончли даражада ўсди (2-жадвалга қаранг).

Тажриба гуруҳидаги 13 ёшли ўғил болаларда тадқиқотдан кейин 60 м га югуришда ўртача кўрсаткич $10,40 \pm 0,68$ с дан $9,80 \pm 0,67$ с га ($P < 0,05$); 4x10 м га мокусимон югуришда $10,90 \pm 0,19$ с дан $10,60 \pm 0,22$ с га ($P < 0,05$); теннис тўпини улоқтиришда $34,19 \pm 2,58$ м дан $36,62 \pm 2,59$ м га ($P < 0,05$); турган жойдан узунликка сакрашда $166,90 \pm 5,30$ см дан $171,50 \pm 6,45$ см га ($P < 0,05$); 2000 м га югуришда бошида 60%, якунида эса 100% ўғил болалар масофани босиб ўтдилар; чалқанча ётган ҳолда гавдани 90° га кўтаришда натижа $17,50 \pm 2,07$ мартадан $20,20 \pm 2,36$ мартага ($P < 0,05$); турникда тортилишда $4,10 \pm 0,74$ мартадан $5,20 \pm 1,08$ мартага, тик турган ҳолатда гимнастика ўриндиғидан оёқ тиззаларини букмай олдинга эгилишда $3,30 \pm 1,05$ см дан $4,40 \pm 0,99$ см га ошди ва бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлди ($P < 0,05$).

Шунингдек, назорат гуруҳидаги 13 ёшли ўғил болаларда 60 м га югуришда ўртача кўрсаткич бўйича натижалар $10,30 \pm 0,58$ с дан $10,20 \pm 0,57$ с гача ($P > 0,05$); теннис тўпини улоқтиришда $33,68 \pm 3,59$ м дан $35,22 \pm 3,76$ м га ($P > 0,05$); турган жойдан узунликка сакрашда $167,60 \pm 3,60$ см дан $168,70 \pm 3,44$ см га ($P > 0,05$); 2000 м га югуришда эса натижа 66,6% дан 73,3% га; чалқанча ётган ҳолда гавдани 90° га кўтаришда натижа $17,90 \pm 1,92$ мартадан $18,80 \pm 2,01$ мартага, тик турган ҳолатда гимнастика ўриндиғидан оёқ тиззаларини букмай олдинга эгилишда $3,50 \pm 0,99$ смдан $4,10 \pm 0,99$ см га ошсада, бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P > 0,05$).

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги 13-15 ёшли ўғил болаларнинг кўрсаткичлари (тажрибадан олдин ва кейин)

№	Тестлар	Ешн	Тажриба гуруҳи (n=15)		t	P	Назорат гуруҳи (n=15)		t	P
			Тажрибадан олдин $\bar{x} \pm \sigma$	Тажрибадан кейин $\bar{x} \pm \sigma$			Тажрибадан олдин $\bar{x} \pm \sigma$	Тажрибадан кейин $\bar{x} \pm \sigma$		
1	60 м га югуриш /с/	13	10,40±0,68	9,80±0,67	2,35	<0,05	10,30±0,58	10,20±0,57	0,70	>0,05
		14	10,10±0,60	9,50±0,61	2,40	<0,05	10,20±0,77	10,01±0,78	0,68	>0,05
		15	9,79±0,71	9,15±0,55	2,76	<0,05	9,76±0,76	9,60±0,73	0,58	>0,05
2	4x10 м га моксимон югуриш	13	10,90±0,19	10,60±0,22	2,83	<0,05	11,10±0,21	10,80±0,24	2,50	<0,05
		14	10,80±0,26	10,40±0,33	2,88	<0,05	10,90±0,27	10,60±0,25	2,30	<0,05
		15	10,20±0,38	9,80±0,32	2,84	<0,05	10,30±0,40	9,90±0,37	2,09	>0,05
3	Теннис тўпини улоқтириш /м/	13	34,19±2,58	36,62±2,59	2,57	<0,05	33,68±3,59	35,22±3,76	1,14	>0,05
		14	33,99±5,60	38,14±5,36	2,08	>0,05	33,51±4,97	35,53±4,98	1,11	>0,05
		15	35,64±4,32	39,42±4,45	2,35	<0,05	35,76±3,84	37,80±3,88	1,45	>0,05
4	Турган жойдан узунликка сакраш /см/	13	166,90±5,30	171,50±6,45	2,27	<0,05	167,60±3,60	168,70±3,44	1,24	>0,05
		14	174,30±4,81	179,90±5,48	2,91	<0,05	175,40±4,84	177,30±4,59	1,66	>0,05
		15	185,10±6,53	190,30±6,20	2,20	<0,05	186,20±4,50	187,30±4,43	0,88	>0,05
5	2000 м,га югуриш /дақиқа ва сония/	13	9/ 60	15/100			9/ 66,6	11 /73,3		
		14	10/66,6	15/ 100			10/73,3	13/86,6		
		15	10,26±0,43	9,52±0,30	2,43	<0,05	10,34±0,51	10,05±0,42	1,41	>0,05
6	Чалқанча ётган холда гавдани 90° га кўтариш/30 с давомида марга/	13	17,50±2,07	20,20±2,36	2,90	<0,05	17,90±1,92	18,80±2,01	1,76	>0,05
		14	17,10±2,26	19,50±2,83	2,57	<0,05	17,50±1,70	17,90±1,80	1,15	>0,05
		15	19,10±1,85	22,10±1,91	2,46	<0,05	19,30±2,20	19,70±2,16	0,84	>0,05
7	Турникда тортилиш /марга/	13	4,10±0,74	5,20±1,08	2,80	<0,05	4,40±0,56	4,90±0,74	2,77	<0,05
		14	4,50±0,80	5,70±0,98	2,42	<0,05	4,70±0,99	5,30±1,11	2,08	>0,05
		15	4,80±1,15	6,30±1,30	2,23	<0,05	4,60±1,01	5,50±0,92	2,08	>0,05
8	Тик турган ҳолатда гимнастика ўриндиғидан оёқ тиззаларини букмай олдинга эгилиш /см/	13	3,30±1,05	4,40±0,99	2,87	<0,05	3,50±0,99	4,10±0,99	1,66	>0,05
		14	3,70±0,96	4,70±0,90	2,74	<0,05	3,90±0,92	4,30±0,82	1,47	>0,05
		15	4,30±0,96	5,20±0,94	2,69	<0,05	4,20±1,11	4,6±0,99	0,69	>0,05

Худди шу ёшдаги ўғил болаларда 4x10 м га моқисмон югуришда натижа $11,10 \pm 0,21$ с дан $10,80 \pm 0,24$ с га; турникда тортилишда эса $4,40 \pm 0,56$ мартадан $4,90 \pm 0,74$ мартага ошди ва бунда ишончли статистик фарқлар кузатилди ($P < 0,05$).

Тажриба гуруҳидаги 14 ёшли ўғил болаларда 60 м га югуришда ўртача кўрсаткич бўйича натижалар $10,10 \pm 0,60$ с дан $9,50 \pm 0,61$ с га ($P < 0,05$); 4x10 м га моқисмон югуришда $10,80 \pm 0,26$ с дан $10,40 \pm 0,33$ с га ($P < 0,05$); турган жойдан узунликка сакрашда $174,30 \pm 4,81$ см дан $179,90 \pm 5,48$ см га ($P < 0,05$); 2000 м га югуришда эса 66,6% дан 100% га; чалқанча ётган ҳолда гавдани 90°га кўтаришда натижа $17,10 \pm 2,26$ мартадан $19,50 \pm 2,83$ мартага ($P < 0,05$); турникда тортилишда $4,50 \pm 0,80$ мартадан $5,70 \pm 0,98$ мартага ошди ва бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлди ($P < 0,05$). Шу ёшда теннис тўпини улоқтиришда $33,99 \pm 5,60$ м дан $38,14 \pm 5,36$ м га натижа яхшилансада, ишончли статистик фарқ намоён бўлмади ($P > 0,05$).

14 ёшли назорат гуруҳидаги ўғил болаларда 60 м га югуришда ўртача кўрсаткич бўйича натижалар $10,20 \pm 0,77$ с дан $10,01 \pm 0,78$ с га ($P > 0,05$); теннис тўпини улоқтиришда $33,51 \pm 4,97$ м дан $35,53 \pm 4,98$ м га ($P > 0,05$); 2000 м га югуришда эса 73,3% дан 86,6% га, чалқанча ётган ҳолда гавдани 90°га кўтаришда натижа $17,50 \pm 1,70$ мартадан $17,90 \pm 1,80$ мартага ошсада, бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P > 0,05$). Шунингдек, натижалар ушбу ёшда назорат гуруҳида 4x10 м га моқисмон югуришда $10,90 \pm 0,27$ с дан $10,60 \pm 0,25$ с га ошди ҳамда бунда статистик ишончли фарқлар намоён бўлди ($P < 0,05$). Турган жойдан узунликка сакрашда $175,40 \pm 4,84$ см дан $177,30 \pm 4,59$ см га ва турникка тортилишда $4,70 \pm 0,99$ мартадан $5,30 \pm 1,11$ мартага ошсада, бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P > 0,05$).

15 ёшли ўғил болаларнинг тажриба гуруҳида 60 метрга югуришда ўртача кўрсаткич бўйича натижа $9,79 \pm 0,71$ с дан $9,15 \pm 0,55$ с га ($P < 0,05$); 4x10 м га моқисмон югуришда $10,20 \pm 0,38$ с дан $9,80 \pm 0,32$ с га; теннис тўпини улоқтиришда $35,64 \pm 4,32$ м дан $39,42 \pm 4,45$ м га ($P < 0,05$); турган жойдан узунликка сакрашда $185,10 \pm 6,53$ см дан $190,30 \pm 6,20$ см га ($P < 0,05$); 2000 м га югуришда эса $10,26 \pm 0,43$ дақиқадан $9,52 \pm 0,30$ дақиқага ($P < 0,05$); чалқанча ётган ҳолда гавдани 90°га кўтаришда натижа $19,10 \pm 1,85$ мартадан $22,10 \pm 1,91$ мартага ($P < 0,05$); турникда тортилишда эса натижа $4,80 \pm 1,15$ мартадан $6,30 \pm 1,30$ мартага га, тик турган ҳолатда гимнастика ўриндигидан оёқ тиззаларини букмай олдинга эгилишда $4,30 \pm 0,96$ см дан $5,20 \pm 0,94$ см га ошди ва бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлди ($P < 0,05$).

15 ёшли назорат гуруҳининг ўғил болаларида 60 м га югуришда ўртача кўрсаткич бўйича натижалар педагогик тажрибадан олдин $9,76 \pm 0,76$ с га, якунида эса $9,60 \pm 0,73$ с ўзгарди; 4x10 м га моқисмон югуришда $10,30 \pm 0,40$ с дан $9,90 \pm 0,37$ с га; турникда тортилишда ҳам натижа $4,60 \pm 1,01$ мартадан $5,50 \pm 0,92$ мартага яхшиланди, аммо натижаларда ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P > 0,05$). Теннис тўпини улоқтиришда натижа $35,76 \pm 3,84$ м дан $37,80 \pm 3,88$ м га ($P > 0,05$); 2000 м га югуришда эса

10,34±0,51 дақиқадан 10,05±0,42 дақиқага ($P>0,05$); чалқанча ётган ҳолда гавдани 90°га кўтаришда натижа 19,30±2,20 см дан 19,70±2,16 см га ($P>0,05$); турган жойдан узунликка сакрашда эса натижа бошида 186,20±4,50 см га, якунида эса 187,30±4,43 см га тенг бўлиб, сезиларли ўзгарди, тик турган ҳолатда гимнастика ўриндиғидан оёқ тиззаларини букмай олдинга эгилишда 4,20±1,11 мартадан 4,60±0,99 мартага натижа ошсада, бунда ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P>0,05$).

Тажриба гуруҳи ўғил болаларининг педагогик тажриба якунида олинган жисмоний тайёргарлик натижалари уларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси жуда ҳам сезиларли ҳамда ишончли тарзда яхшиланганлигига яққол гувоҳлик беради. Тажриба гуруҳида 8 та тестланган кўрсаткичлардан 7 тасида аниқ ишончли натижалар кузатилди ($P<0,05$). Фақат 1 та ёш гуруҳида теннис тўпини улоқтириш тестида 14 ёшли ўғил болаларда натижаларнинг аҳамиятли ўсиши кузатилди, бироқ ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P>0,05$).

Педагогик тажрибадан кейинги тажриба гуруҳидаги қиз болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини тавсифловчи назорат тестлари бўйича натижаларнинг ўртача катталикларини қиёсий таҳлил қилиш йўли билан олинган ёшлар бўйича ўртача кўрсаткичларни ҳам батафсил кўриб чиқамиз (3-жадвалга қаранг).

13 ёшли қизларда 60 м.га югуриш тестида тажриба гуруҳида ўртача натижалар 10,80±0,24 с дан 10,51±0,25 с. га ўсди ва статистик ишончли фарқ қайд этилди ($P<0,05$); назорат гуруҳи қизларида натижалар 10,90±0,19 с га, якунида эса 10,70±0,22 с. га ўсиб статистик ишончли кўрсаткичга эга бўлди ($P<0,05$). 4x10 м. га мокусимон югуришда тажриба гуруҳида натижа 11,20±0,21 с. дан 10,80±0,21 с. га ўсди, статистик ишончли фарқ кузатилди ($P<0,05$); назорат гуруҳи қизларида эса 11,35±0,29 с. дан 11,10±0,3 с. га ўзгариш қайд этилди, ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P>0,05$). Теннис тўпини улоқтиришда ҳам тажриба гуруҳида 18,05±1,93 м. дан 20,34±2,05 м. гача ўсиш кузатилиб, статистик ишончли фарқлар қайд этилди ($P<0,05$); назорат гуруҳида эса натижа 18,16±1,76 м дан 19,40±1,74 м га яхшиланди, аммо ишончли статистик фарқлар намоён бўлмади ($P>0,05$). Турган жойдан узунликка сакрашда тажриба гуруҳида натижалар 150,50±7,10 см дан 156,10±6,67 см. гача ўзгарди ($P<0,05$); 2000 м га югуришда эса натижа 60% дан 100% га ўсди; назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 149,5±4,34 см дан 151,40±4,31 см гача яхшиланди ($P>0,05$) ва 2000 м га югуришда эса натижа 66,6% дан 73,3% га ошди ($P>0,05$). Чалқанча ётган ҳолда гавдани 90°га кўтаришда натижа тажриба гуруҳида 14,10±1,68 мартадан 16,30±2,06 мартагача ўсди ($P<0,05$); назорат гуруҳида эса чалқанча ётган ҳолда гавдани 90°га кўтариш 14,25±1,10 мартадан 15,20±1,01 мартага ошди, бунда статистик фарқлар аниқланди ($P<0,05$). Гимнастика ўриндиғига таяниб, қўлларни букиб-ёзишда тажриба гуруҳида натижа 4,00±0,85 мартадан 5,30±0,96 мартага ошди; назорат

гуруҳида ҳам ўсиш $3,90 \pm 0,92$ мартадан $4,70 \pm 1,03$ мартани ташкил этди, натижалар статистик ишончли бўлди ($P < 0,05$).

14 ёшли тажриба гуруҳида 60 м га югуришда қизларнинг ўртача кўрсаткичлари тадқиқот бошида $10,38 \pm 0,19$ с, якунида эса $10,05 \pm 0,14$ с ни ташкил этди [$P < 0,05$]; назорат гуруҳида ҳам натижа $10,42 \pm 0,12$ с дан $10,31 \pm 0,15$ с га яхшиланди ва бунда ҳам ишончли статистик фарқлар намоён бўлди ($P < 0,05$). 4x10 м га мокусимон югуришда тажриба гуруҳидаги қизларда натижа $10,90 \pm 0,21$ с дан $10,51 \pm 0,24$ с гача ўсди, назорат гуруҳидаги қизларда ҳам натижа яхшиланди: $10,86 \pm 0,36$ с дан $10,72 \pm 0,20$ с гача, ишончли статистик фарқлар намоён бўлди ($P < 0,05$). Теннис тўпини улоқтиришда тажриба гуруҳида натижа $21,40 \pm 2,35$ м дан $23,95 \pm 2,30$ м гача ($P < 0,05$) ошди ва уларда ҳам ишончли статистик фарқлар кузатилди; назорат гуруҳида эса натижа $21,01 \pm 2,44$ м дан $22,45 \pm 2,28$ м га ошсада, ишончли статистик фарқлар кузатилмади ($P > 0,05$). Турган жойдан узунликка сакрашда тажриба гуруҳида натижалар ишончли даражада ўзгарди: $157,50 \pm 5,49$ смдан $162,11 \pm 5,10$ см гача ($P < 0,05$), назорат гуруҳида эса натижалар ўсишига қарамай, ишончли статистик фарқлар кузатилмади: $157,20 \pm 4,65$ см дан $159,70 \pm 4,73$ см гача ($P > 0,05$). 2000 м га югуришда эса тажриба гуруҳидаги қизларда натижа 66,6% дан 100% га яхшиланди.; назорат гуруҳида эса натижа 73,3% дан 80% га ўсди.

